

Жамловчи дуолар (1-қисм)



13:33 / 21.07.2017 12106

4603. Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг аксари дуолари «Роббанаа аатинаа фиддуня ҳасанатан ва фил охироти ҳасанатан ва қинаа азабан-наар» эди».

Учовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу дуонинг маъноси: «Роббимиз, бизга бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам яхшиликни бергин. Ва бизларни дўзах азобидан сақлагин».

Бу дуо «Бақара» сурасидаги оятдан олинган дуодир.

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида:

«Ва улардан баъзилари: «Роббимиз, бизга дунёда ҳам яхшиликни, охиратда ҳам яхшиликни бергин ва бизни дўзах азобидан сақлагин», - дейдир», деган (201-оят).

Бу дуо мусулмонларнинг дуосидир. Улар Аллоҳ таолодан икки дунёнинг яхшилигини сўрайдилар, чунки Ислом дини кишиларни икки дунёнинг ободлигига чақиради. Улар динсизу худосизларга ўхшаб, фақат бу дунёнинг ҳой-ҳавасини сўрамайдилар. Ёки баъзи тоифалар каби фақат

охиратни ўйлаб, бу дунёни эсдан чиқармайдилар.

Бу дуода юксак одоб ҳам кўришиб турибди. Сўраладиган нарсанинг номи аниқ қилиб айтилмасдан, умумий қилиб, «яхшилиқ» дейилмоқда.

«Яхшилиқ»нинг нималигини Аллоҳ таолонинг Ўзи яхши билади.

Имом ибн Касийр: «Ушбу дуо дунёдаги барча яхшилиқларни ўзида жамлаб, ёмонликларни четлатган», деганлар.

Ибн Мурдавайх Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«(Байтуллоҳнинг) бурчагидан ҳар ўтганимда «Омин» деб турган фариштани кўрдим. Унинг ёнидан ўтсангиз, «Роббанаа аатинаа фиддуна ҳасанатан ва фил охироти ҳасанатан ва қинаа азабан-наар»ни ўқинглар», деганлар.

Бу дуо Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалату вассаломнинг кўп қиладиган дуолари эди.

Ибн Аби Ҳотим Абу Толутдан қилган ривоятда бундай дейилади: «Анас ибн Молик розияллоҳу анҳунинг ҳузурда эдик. Собит у кишига «Биродарларингиз дуо қилишингизни сўрашяпти», деди. Шунда Анас ибн Молик «Роббанаа аатинаа...»ни ўқидилар.

Бир муддат гаплашиб ўтирдилар. Турмоқчи бўлишганда «Эй Абу Ҳамза, биродарларингиз туришмоқчи, уларни бир дуо қилсангиз», деди. Шунда Анас ибн Молик «Сизларга ишларни майдалаб беришимни хоҳлайсизми?! Агар Аллоҳ сизга бу дунё ва охиратнинг яхшилигини бериб, дўзахнинг азобидан сақласа, яхшилиқнинг ҳаммасини берган бўлади-ку», деди.

4604. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам озиб, жўжадек бўлиб қолган бир мусулмонни кўргани бордилар. Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

«Бирор дуо қилганмидинг ёки бирор нарса сўраганмидинг?» дедилар.

«Ҳа, «Аллоҳим! Мени охиратда иқоб қиладиган нарсангни бу дунёдаёқ бергин», деган эдим», деди.

«Субҳаналлоҳ! Ахир бунга чидай олмайсан ёки қодир бўла олмайсан! «Роббанаа аатиная фиддуния ҳасанатан ва фил охироти ҳасанатан ва қинаа азабан-наар», десанг бўлмасмиди?!» дедилар.

Бас, унинг ҳаққиға Аллоҳға дуо қилган эдилар, унга шифо берди».

Муслим ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бундан Аллоҳ таолодан ўзига ёмонлик келтиришини сўраб бўлмаслиги, ҳатто «Аллоҳим, мени охиратда иқоб қиладиган нарсангни бу дунёда қилиб қўйгин», деб ҳам дуо қилиб бўлмаслиги келиб чиқади.

Банда доимо икки дунё яхшилигини сўраб дуо қилиб юрмоғи лозим.

Ушбу ҳадисдан «Роббанаа аатиная фиддуния ҳасанатан ва фил охироти ҳасанатан ва қинаа азабан-наар» деган дуони беморга шифо тилаш учун ҳам ўқиш яхшилиги кўриниб турибди.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Ҳадис ва ҳаёт китобидан)